



## Ислом Нури

### Савол:

Эмизикли боласи {5-6 ойлик} бор бўлган аёл Рамазонда рўза тутадими ёки тутмайдими?

### Жавоб:

Эмизикли аёл ўзининг ҳолатига қарайди. Агар рўза тутса ўзига ёки боласига зарар етмайдиган бўлса, боласининг қорни тўядиган даражада сути бўлса, рўза тутгани афзал. Агар ҳақиқатда зарар бўладиган бўлса, тутмаса ҳам руҳсат бор. Бирок, рўза тутишдан қочиб, бу йўлни хийла учун қиладиган бўлса жоиз эмас, Аллоҳ қалблардаги нарсани ҳам билиб турувчидир. Рўза тутмаган ҳолда ҳам кейин тутиб бериши керак бўлади. Шунинг учун эл қатори улуг ойда тутишига нима етсин.

Анас розияллоҳу анҳудан, росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло мусофирдан рўзани ва намознинг ярмини қўтарди, хомиладор ва эмизувчи аёлдан ҳам рўзани қўтарди». Термизий ривояти ҳасан саҳих ҳадис. Термизий айтадилар: баъзи аҳли илмлар дедилар: Хомиладор ва эмизувчи аёл рўза тутмайдилар, ҳар кун эваздан бир мискинни тўйдирадилар кейин қазосини тутадилар. Бу сўзни Суфён, Молик, Шофеий ва Аҳмадлар айтган. Баъзилари эса рўза тутмайдилар, мискин тўйдирадилар, қазосини тутиб бермайдилар, агар хоҳласалар қазосини тутадилар ва мискинларни тўйдирмайдилар- деганлар. Бу сўзни Исҳоқ айтган. (Теримизий 715-ҳадис) Ханафий уламолар наздида улар рўза тутмасалар қазосини тутадилар, мискинни тўйдирмайдилар.